www.ishonch-doverie.uz
2011-yil 25-yanvar № 11 (2892) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Янги кун янгиликлари

Қашқадарё

Қарши туманидаги мусиқа ва санъат мактаби янги бинога эга бўлди. Таълим масканида машғулот ўтказиладиган алоҳида хоналар, концерт зали мавжуд. Муассаса раҳбари Розия Ражабованинг таъкидлашича, яқин кунларда ўқувчилар учун 1 млрд. 850 млн. сўмлик мусиқа асбоблари ва жиҳозлар келтирилади. Театр иши ва академик ижрочилик бўлимлари очилади.

Самарқанд

Самарқанд шаҳридаги «Капитал делта плюс» хусусий корхонаси нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Новвойлар кунига 2 минг донадан ошиқ нон тайёрлаб, Фарҳод шаҳарчаси ва Ширин қўрғони аҳолисини, мактабгача таълим муассасалари ҳамда 10 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарининг бу борадаги талабларини қондирмоқда.

Сурхондарё

Вилоятдаги «Чорва озуқалари» бош бирлашмаси аҳоли ва фермер хўжаликлари чорва молларини сифатли омухта ем ҳамда хушхўр озуқалар билан таъминлаш йўлида хайрли ишларни амалга оширди. 2010 йилнинг ўзида 500 дан ортиқ омухта ем шохобчалари орқали 7 миллиард сўмлик кунжара, шрот ва озуқабоп хашаклар сотилди. Сервис хизмати кўрсатиш мақсадида «Чорва озуқалари» бош бирлашмаси «Хўжаикон» туз конида ишлаб чиқарилаётган чорва моллари учун мослаштирилган маҳсулотларнинг ҳам шохобчаларда сотилиши ташкил этилмоқда. Ҳозиргача 800 тонна кон тузи чорвадорларга етказиб берилди.

Хоразм

«Хиваметаллсервис» хусусий корхонаси томёпқич, темир дарвоза, эшик, панжаралар тайёрлашга ихтисослашган. Аҳолининг ушбу маҳсулотларга талаби катта. Бу корхонанинг маҳсулотларига Янгиариқ, Қўшкўпир туманларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Ўтган йили 122,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани ошиғи билан бажарган жамоа жорий — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бундан-да катта натижаларни кутаяпти.

Сирдарё

Гулистон шаҳридаги Туркистон «С-Росс-Фахри» қўшма корхонаси вилоят марказидаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Корхона янги йил арафасида шаҳарда икки қаватли савдо марказини ишга туширди ҳамда атрофини тўлиқ мевали ва манзарали дарахтлар билан тўлдирди. Инсон ҳавасини келтирувчи бундай масканлар Мирзачўл воҳасида кўплаб бунёд этилмоқда.

Замонавий шифо маскани

Ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом камол топиши борасида кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасини Нукус шаҳридаги Республика кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.

185 ўринга мўлжалланган мазкур марказда 15 ёшгача бўлган болаларга тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий ташхис ва даволаш усуллари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган ушбу шифо масканида ревмокардиология, неврология, пульманология, гемоталогия, травматология, жарроҳлик, ортопедия, лор, реанимация бўлимлари фаолият юритмоқда.

Суратда: шифокор Зулфира Бердимуратова.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат

Янгича ёндашув

Яқинда «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2011-2012 йиллар учун қўшма тадбирлар режаси» илк бор қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзКУФК ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Федерация кенгаши ҳамда вазирлик қўшма хатларига биноан янги иш ўринларини яратиш дастурининг прогноз кўрсаткичлари ижроси мониторинги жараёнига касаба уюшмаларининг жалб этилиши, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланганлигини биргаликда ўрганилиши, меҳнат муҳофазаси устидан давлат ва жамоат назоратини ўзаро келишган ҳолда кучайтириш ва ҳамкорликдаги қатор тадбирлар ижобий самара бермоқда.

Манфаатли ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2011-2012 йиллар учун қўшма тадбирлар режаси ҳақида

Бироқ шиддат билан ўзгариб бораётган давр давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби долзарб масалаларни олдимизга қўймоқда. Қолаверса, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчилик ривожини бугунги кун талаблари асосида яратилишини талаб этмоқда.

Шу боис, ўзаро ҳамкорлик тарихида илк бор қабул қилинган ҳужжатда мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, белгиланган тадбирларнинг бажарилиш муддати, ижро учун масъул шахслар аниқ белгилаб қўйилган.

2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси шуниси билан аҳамиятлики, унда меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини барпо этиш, меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби масалалар акс эттирилган.

Жумладан, минтақавий хусусият ва демографик аҳволни инобатга олган ҳолда янги иш ўринларини барпо этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Қабул қилинган қўшма тадбирлар режасида ҳукуматимизнинг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши Дастури бажарилишига кўмаклашиш, янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланганлигини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биргаликда ўрганиш, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Шунингдек, қўшма тадбирлар режасида «Меҳнат кодекси» талабларидан келиб чиққан ҳолда, ходимларга меҳнат дафтарчаларини юритишни назорат қилиш, иш берувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, бу борадаги қонунбузилишларни ҳамкорликда бартараф этиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўриш каби масалалар ўрин олган.

Корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш, жумладан, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолати, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинганлиги, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, шунингдек, транспорт коммуникациялари, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиш учун ногиронларга шароит яратилишини ўрганиш бўйича доимий мониторинг олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, металлургия ва машинасозлик тармоқлари тизимидаги корхоналарда ишловчиларнинг махсус кийим ва пойабзал билан таъминланишини ҳамкорликда ўрганиб бориш ва натижалар бўйича таклифлар киритиш белгилаб қўйилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштириш йўналиши бўйича иш ҳақи тўловларидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш чораларини кўриш, иш берувчилар томонидан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг тўланишига риоя этилиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўловларининг амалга оширилиши устидан назоратни белгиланган тартибда олиб бориш каби масалаларда ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот таҳлил ишлари юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Буларга ижтимоий шерикчилик асосида болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш, улар ҳуқуқларини тушунтириш, мажбурий меҳнатга жалб қилмаслик чоралари ҳақида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда конференция, вояга етмаганларни меҳнатга жалб қилиш тартиб-қоидалари ва мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида давра суҳбати ўтказиш, одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг оммага етказиш мақсадида мавжуд қонун ҳужжатлари асосида эслатма чоп этиб, жойларда тушунтириш ишларини олиб бориш кабилар киради.

Маданий-маърифий ва спорт ишлари йўналиши бўйича имконияти чекланган болалар ўртасида паралимпиада ўйинларини ўтказиш, ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловини ўтказиш каби бир қатор режалар ҳам ўрин олган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат аҳолининг фаровонлиги, ҳуқуқий ҳимояланганлик даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва шу орқали ходимлар манфаатини ҳамкорликда ифодалашда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ташаббус қанот ёзмоқда

«Менинг туҳфам»

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб туҳфа билан кутиб олиш борасидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг мурожаати таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши фаоллари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шаҳар ва туманларда ҳар бир касаба уюшма фаолининг мевали ва манзарали кўчат ўтказиши, касаба уюшмаларининг кўркам боғ ва токзорлар барпо этиши ташаббусининг манзилли дастури ишлаб чиқилди. Хайрли ташаббусни тарғиб қилиш мақсадида «Менинг туҳфам» шиорлари тайёрланди. Бўш ва қаровсиз ерлар ҳисобга олиниб, бу ерларга сув олиб келиш учун ариқлар қазилмоқда.

Шу кунгача Қўштепа, Бешариқ, Данғара, Фарғона, Бағдод, Қува туманларида 3000 тупдан ортиқ манзарали кўчатлар экилди. Қўқон давлат педагогика институти маъмурияти ва касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан институт ҳудудидаги 500 сотих майдонда манзарали дарахтлар экиладиган боғ барпо қилиш учун махсус тупроқ олиб келинди. Бу жойга қувурлар ётқизилиб, суғориш ишлари олдиндан режалаштирилди. Шунингдек, Фарғона шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан шаҳардаги 33-мактабда касаба уюшмалари боғи ташкил этиляпти. Келгусида 70 тупдан ортиқ манзарали дарахтлар яшнаб турадиган жойга илк кўчатлар экила бошланди.

— Дарахт экиш, боғ яратиш азалдан эзгу иш ҳисобланади, — дейди Қўштепа туманидаги 27-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Мамлакатхон Ҳожиматова. — Мактабимиз четидаги бўш ерга 20 туп манзарали арча кўчати экдик. Баҳорда эса маҳалламиз этагидаги қаровсиз жойда мактаб боғини ташкил қилмоқчимиз.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2010 йилда Республика касаба уюшма ташкилотлари тасарруфида бўлган маданият саройи, уйи ва клублари ўртасида «Энг намунали маданият муассасаси» кўрик-танлови ташкил этилган эди. Кўрик-танловда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва ўқув юртлари қошидаги касаба уюшмалари ҳисобида бўлган маданият саройлари, уйлари ва клублар иштирок этишди.

Энг намунали маданият муассасаси

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад корхона, ташкилот ва ўқув юртлари қошидаги касаба уюшмаларига қарашли маданият муассасаларининг Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва Давлат дастурлари асосида ишчи-ходимлар, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини такомиллаштириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маданият муассасалари ижодий ходимларини танлаш ва улар фаолияти билан яқиндан танишиш, илғорлар иш тажрибасини оммалаштириш, шунингдек, иш берувчининг маданий-маърифий соҳага бўлган эътиборини кучайтиришдан иборатдир.

Яқинда Тошкентдаги Марказий темирйўлчилар маданият саройида кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ишчи-ходимлар ва ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қўшаётган ҳиссаси ва эришган ютуқлари учун биринчи ўрин Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Авиасозлар» маданият саройига берилди. Фахрли иккинчи ўринни Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Металлург» ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси тасарруфидаги «Нефтчи» маданият саройлари жамоалари эгаллашди. Учинчи ўрин эса «Ўзбекистон темирйўллари» давлат-акциядорлик темирйўл компанияси Марказий темирйўлчилар маданият саройи ҳамда Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Современник» маданият саройи жамоаларига насиб этди.

Маданият уйлари ва клублар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов якунлари бўйича биринчи ўрин — Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Олтин водий», иккинчи ўрин — Тошкент Давлат техника университетига қарашли «Талабалар» клубига, учинчи ўрин — «Хоразм гиламлари» МЧЖга қарашли клубга берилди.

Тақдирлаш

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Элбек Миржўраев маданият муассасалари ходимларини самимий табриклаб, кўрик-танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Марказий темирйўлчилар маданият саройи бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ва рақслар кечага файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2011-yil 25-yanvar № 11 (2892)

Истиқлолимиз бу йил 20 ёшга тўлади. Тарих зарварақларига қараб ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу жуда қисқа вақт саналади. Тан олиш керак, истиқлол йилларида халқимиз улкан марраларни забт этиб, бунёдкорлик ва юрт ободлиги йўлида тинимсиз меҳнат ва ижод қилмоқда. Биргина мисол: Асакада барпо этилган автомобилсозлик заводи республикамиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, юртимиз довруғини бутун жаҳонга танитмоқда. Аҳолиси ўта зич бўлган ҳудудда минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Бугун корхонамизда 7000 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Аҳил жамоамиз йил сайин янги марралар сари интилаётир. Корхонада 2009 йилда 205 минг 11 дона енгил автомашина ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда унинг миқдори 220 минг донага етди.

Айни кунда жуда харидоргир бўлаётган «Spark» M300 автомобилини Мустақилликнинг 19 йиллигига муносиб тўёна бўлди, дейиш мумкин.

Етакчи минбари

«GM-Ўзбекистон»: жамоа шартномаси асосида

Жамоамиз Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунга монанд ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича касаба уюшма қўмитаси ҳам фаол иш олиб боряпти. Корхонамизнинг барча бўлим ва цехларида ҳукуматимизнинг нинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида керакли чора-тадбирлар режаси белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йил касаба уюшма қўмитамиз қошида «Асака автомобилсозлик люкс» унитар корхонаси ташкил қилиниб, 5 та иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда «Ўзавтосаноат» уюшмаси маҳаллийлаштириш дастурига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳозирги кунда 98 та маҳаллий корхона томонидан корхонамизга 1212 та автомобил эҳтиёт қисмлари етказиб берилмоқда. Улар сафига 2009-2010 йилда 21 та янги корхона қўшилиб, натижада, 1088 та иш ўрни яратилишига эришилди.

Бу ишларни амалга оширишда Федерация кенгашининг Ҳаракат Дастури ва тавсиялари асосида корхона раҳбарияти билан тузилган жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлмоқда.

2010-2012 йиллар учун иш берувчи ва касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномаси 16 та банд, 130 та бўлимдан иборат. Унинг барча бандлари бажарилишига эришилмоқда. 2009 йилда жамоа шартномаси асосида тасдиқланган тадбирларга сарфланган маблағ корхонадаги ҳар бир ишчига 789 минг 377 сўмдан тўғри келди.

Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг соғлиғини сақлаш, касб касалликларига чалинишининг олдини олиш мақсадида ҳар йили улар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

2010 йилда 1423 нафар ишчи-хизматчи, шулардан 214 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик хулосасига асосан, 167 нафар ишчи-хизматчининг биринчи марта шифокор муолажасига муҳтожлиги маълум бўлди. 130 нафар ишчи-хизматчимиз ётиб даволаниш, 48 нафари сиҳатгоҳларга даволанишга ва 56 нафар ишчи-хизматчининг парҳез таомларга муҳтожлиги аниқланди. Шу бўйича корхона раҳбарияти билан келишилган ҳолда керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқдик.

Беш йилда тиббий кўрикдан ўтган 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи Андижон давлат клиник шифохонасида соғломлаштирилди. Бунинг учун шартнома асосида 97 млн. сўм ўтказиб берилди. Шунинг билан бирга, ўтган йилларда 2111 нафардан зиёд ишчи-хизматчи сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашди.

Корхонамиз ишчи-хизматчиларига санаторий ва дам олиш уйларига берилаётган йўлланмаларнинг қисман тўлови жамоа шартномасига асосан 50 фоиз ўрнига 25 фоизга туширилди. Йўлланмаларнинг 25 фоизи корхона маблағи ҳисобидан қопланади. Бу ҳисобот даврида 18 миллион 298 минг сўмни ташкил қилди.

Бундан ташқари, 2004-2009 йилларда энг илғор, жамоат ишларида фаол иштирок этган ишчи-хизматчиларнинг 475 нафари касаба уюшмамиз томонидан берилган бепул йўлланмалар орқали Андижон-Самарқанд-Бухоро-Тошкент-Андижон йўналиши бўйича саёҳатга юборилди.

Қўшма корхонамизда экологик аҳволни ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг табиатга салбий асоратларини бартараф қилиш бўйича ҳам тадбирлар олиб борилмоқда. Ноқулай иш шароитида ишловчилар учун цехларимизда алоҳида назорат йўлга қўйилган. Натижада, ходимларнинг 1930 нафарига 3 кунлик таътил, 630 нафарига 6 кунлик қўшимча таътил жорий қилишга эришилди.

Ёшлар — мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисмидир. Бугунги кунда баркамол авлодни камолга етказиш бирламчи вазифаларимиздан ҳисобланади. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳар йилга муайян ном беришдек анъанани давом эттириб, ўтган йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилган эди. Бу борада ҳам корхонамиз раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда керакли чора-тадбирлар белгиланиб, қўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Корхона ишчи-хизматчилари фарзандларини ёзги таътил даврида республикамизнинг сўлим, хушманзара жойларидаги болалар оромгоҳларида соғломлаштириш тадбирлари яхши йўлга қўйилган. 2004-2010 йиллар давомида 4589 нафар болалар оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Корхонамизда ишлаб вафот этган ишчи-хизматчилар фарзандларидан 65 нафарига янги ўқув йилида касаба уюшма ҳисобидан ўқув қуроллари бепул тарқатилди.

Ишчи-хизматчиларга янада қулайлик яратиш, ёш оилалар шароитини яхшилаш мақсадида касаба уюшма қўмитамиз томонидан берилган кафолат асосида уларнинг халқ истеъмол молларини Асака банк орқали кредит йўли билан олиши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга келиб, 1080 нафар ишчи-хизматчига 1 миллиард 280 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари кредитга берилди. Бундан ташқари, корхона ҳисобидан 64 хонадонли уйжой қуриб битказилиб, ҳозирги кунда ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида бериш ташкил қилинмоқда.

М.ОЛИМОВ,
«GM-Ўзбекистон» ЁАЖ
касаба уюшма
қўмитасининг раиси

Эътироф

Фазилатли, хосиятли тадбиркорлик

«Юзта сизу биздан битта жиз-биз яхши», деган мақолнинг ижодкори тадбиркор бобокалонларимиз бўлса, ажабмас. Шу боисдан айни мавзудаги мулоҳазаларимга кириш сўз қилиб ўтирмоқчи эмасман.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб аталиши, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, халқимизнинг барча қатлами ҳаётига бевосита тааллуқли. Зеро, эс-ҳушли инсон борки, оиласининг, маҳалла, шаҳару қишлоғи, Ватанининг эртаси бугунидан фаровонроқ, тўкинроқ, файзу тароватлироқ бўлишини орзу қилади, бу ниятига етиш учун режалар тузади. Режаларнинг афзали, мақсадга етишишнинг ҳалол йўлларидан бири — тадбиркорлик.

Тадбиркорлик эса халқимизнинг қонида бор.

...Қачонлардир бир оқил инсон уйи қишда иссиқ, қуруқ бўлиши учун тўқайзорда қуриб-қовжираб ётган қамишни ўриб келиб томига ёпган, ундан бўйра тўқиб, оёғининг тагига солган. Яна кимдир ундан сават тўқиб, корига яратган...

...Эҳ-ҳе, қачонлиги номаълум, зукко момо гўдакнинг кафтича келмайдиган қийқимларниям исроф қилгиси келмай, уларни бир-бирига улаб, қуроқдан дастурхонми, ёстиқжилдми, балким либос тиккан...

...Бугун ҳар бир вилоятнинг, ҳаттоки вилоятлар ичида айрим шаҳарларнинг ўз дўппи турлари бор. Улар бир-биридан, аввало, гулининг нақшу нигорлари билан фарқ қилади. Аслида, бу кийимларнинг илк намунаси бошни об-ҳавонинг турли таъсирларидан асрагувчи оддий мато бўлгани шубҳасиз. Қалбидаги муҳаббат ва ҳавас гулини матога илк бора кашта қилиб тушириган ижодкор, тадбиркор ким экан?..

...Айни пишиқчилик мавсумида дарахтларнинг тагига тўкилиб, увол бўладиган меваларни териб, қуритиб қишга олиб қўйишни бошлаб берган ҳам бир тежамкор-тадбиркор эканлигига шубҳангиз борми?

...Илк бор кетмон, ўроқ, арава ясаганлар — бугунги мислсиз тараққиётнинг тамал тошини қўйган тадбиркорлар!

Турмушда тадбиркорларнинг зукколиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, тиниб-тинчимаслиги натижасида бунёд бўлган нарсалар кириб бормаган соҳа бормикин?! Хуллас, бу фазилат халқимизнинг ўзи каби қадимий десак, хато эмас. Ҳайвон терисини илк бор ошлаган, ундан меш, либос, пойабзал... тиккан ҳам; шакарқамиш, қанд лавлаги шарбатидан ширинликлар, ҳолвалар пиширган ҳам; қизлар сочига пилик қўшиб ўриб, сочпуклар кашф қилганлар ҳам; тошқовоқдан қатиқ кади, сув кади ясаганлар ҳам; тепаликка оби ҳаёт олиб чиқиш учун чархпалакни кашф этган ҳам... хуллас, бугунги кунда биз ишлатаётган оддий рўзғор буюмларимиздан тортиб, мураккаб техникаларгача — уларнинг ибтидоий кўринишларини тадбиркор инсонлар кашф этган. Мундоқ ўйлаб кўрсак, тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотдан фойдаланмаган кунимизнинг ўзи йўқ. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Аммо...

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда ёшим қирққа яқинлашиб қолганди. Унгача...

Ён-атрофимиздаги қўшнилар, қариндош-уруғларнинг барчаси ўз хонадонида тадбиркорликнинг бирон-бир тури билан шуғулланарди, бугунги тил билан айтганда, рўзғорининг камини бутлайдиган қўшимча бизнеси бўларди. Марғилонлик аёллар ўртасида дўппи тикишни билмайдигани топилмасди. Куёв чопон, пахтали камзул, кавуш-махси, пўстин, хокандозу оташкурак, атлас, адрас, бўз матолар, хонтахта-ю эшик-ромларни ҳам, хилма хил нонлар, пашмак, новвот, ҳолва, пишлоқ, сариёғни ҳам ўзимизнинг бозорда ҳамшаҳарларимиз, атрофдаги туманлардан олиб келганлар сотишарди десамми... тўғрироғи, худди ўғирлик молини (бундай ўхшатиш учун узр сўрайман, лекин бошқача ташбеҳ тўғри келмади) қўрқиб-писиб, пана-пастқамда арзон-гаровга ўтказиб, бозорда қувғин бўлиб юришарди.

Тасаввур қилинг: Марғилон дўпписига нафақат шаҳримизнинг ўзида, балки бошқа вилоятликлар орасида ҳам эҳтиёж катта бўлиб, унинг харидори доим «йўлда» эди. Лекин ҳар пайшанба, якшанба кунлари бозорга дўппи сотиш учун отланган оналаримизнинг юраклари пўкиллаб турарди: «Ишқилиб, солиқчининг қўлига тушиб қолмайин-да!» Улар солиқ тўлашдан қочиб, қўрқиб эмас, балки қилаётган ишларининг маҳаллий ҳукумат вакиллари томонидан давлат сиёсатига қарши деб баҳоланишидан ва меҳнатларининг мевасини бор бўйича тортиб олинишидан юрак олдириб қўйишганди. Энг ачинарли томони — ўтган асрнинг бошлариданоқ ҳунарманд-тадбиркорларга нисбатан мана шундай сиёсат юргизиб келинарди. Отам 1930-йилларда бобомдан қолган атлас тўқиш дастгоҳлари бўлганлиги учун қамалиб кетишлари мумкинлигини англаб, онам ва ёш гўдаклари билан Сурхондарёга қочиб кетиб, бир неча йил ҳар хил манзилларда яшашган экан. Ҳолбуки, улар азалдан косиблик орқасидан кун кўришган. Отам тимсолида минглаб эмас, сув келтиргани учун хор бўлган миллионлаб аждодларимиз вакилларини кўраман. Уларнинг жисмидаги ғайрат, қалбидаги ижодкорлик, турмушни гўзал ва тўкин этиш орзуси, ҳалол ризқ топишга эътиқоди мисоли қудратли дарё эди. Афсуски, неча ўн йилликлар давомида ҳаётнинг табиий эҳтиёжларини, тараққиёт омилларини инкор этгувчи совет мафкураси олиб борган қатағонлар исканжасида халқимизнинг асрлар давомида сайқал топган амалий санъат, ҳунармандчилик турлари қадрсизланди, хўрланди, йўқолиб борди.

Она тилида, миллий адабиёт ва санъатда халқ руҳи яшайди, деймиз. Миллий ҳунармандчилигимиз намуналарини кўрган хорижликларнинг ҳайратланиши, уларни соат-соатлаб томоша қилишдан зерикмасликлари сабаби шуки, бу нарсаларда ҳам халқнинг, миллатнинг инжа таъби, қўлларининг маҳорати, сабру қаноатли қалблар сурати, нафаси мужассам.

Тадбиркорликни, кичик бизнесни шунчаки даромад топиш манбаи деб баҳолаш ва шундан келиб чиқиб муносабат кўрсатиш, жуда юмшоқ қилиб айтганда, ўта юзакиликдир. Аждодларимиз ўз меросхўрларининг руҳига, қонига тарбия воситаси сифатида тадбиркорликни ҳам сингдирганлар. Бекорга ҳунармандларнинг сулолалари вужудга келмаган. Ёшлигидан оилада отаси ёки онасининг қилаётган ишига қизиқиб, уларнинг атрофида гирдикапалак бўлиб, қўлидан келганча ёрдамлашиб юрган қизалоқлар, ўғилчаларнинг қалбида меҳнатга, ҳунарга муҳаббат, бир фойдали нарсани ясаб инсонларга қувонч келтиришга кўнгил рағбати туғилган. Болажонлар вақтнинг бу ёруғ оламдаги энг бебаҳо бойлик эканлигини англашга ёшлик қилган бўлишлари мумкин, аммо амалда дунёни таниган кундан дилларида бир фойдали иш билан машғул бўлиш эҳтиёжи шаклланиб, улғайиб борган.

«Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», дейдилар. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ёшларни камол топтиришда ҳунарманд-усталарнинг меҳнат тарбиясига уйғунлашган маънавий тарбияси ҳам ибратли, тажрибаларда синалган мактабдир. Оддий ёғочга ишлов бериб, силлиқлаб, ундан ўймакор гуллар «ундиргунча» ўсмир бола қанча сабр-қаноат, ирода сарфлайди, диққатини жамлайди, геометрик шаклу шамойилларни ўзаро мувофиқлаштиради, иши нафис, чиройли чиқиши учун ижод қилади. Ана шундай, ҳар бир ҳунармандчиликнинг фазлу фазилати, хосияти беҳисоб.

Юртбошимизнинг 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб аташ ҳақидаги таклифи мақсаду моҳияти тўғрисида ўйлаганимда, кўнглимда «Бу — халқимиз, юртимизнинг иқтисодиётидан тортиб маданияти, маънавиятини юксалтиришга, кекса-ю ёшларнинг қобилият ва иқтидорларини тўлиқ намоён этишларига, мустақиллигимиз берган имкониятлардан ҳар биримиз янада кенгроқ фойдаланишимизни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилган ғоя», деган фахру ифтихор барқ уради.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ўқув-семинар

Ишчи-хизматчилар ўртасида маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш, ёшлар онгига миллий ғояни сингдириш, бўш вақтни мазмунли ташкил этишга эътибор қаратиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда пойтахт корхоналари, ташкилотлари ва ўқув муассасалари кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари мудирлари ва тасарруфида кутубхоналар мавжуд бўлган корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларининг маънавий-маданий ишлар билан шуғулланувчи масъул ходимлари иштирокида навбатдаги ўқув-семинар машғулотини ўтказди.

Кутубхона — нурхона

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари тизимида 19 та кутубхона мавжуд. Яхши анъанага айланган мазкур ўқув-семинарда касаба уюшма тасарруфидаги кутубхоналар мудирлари билан биргаликда мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари қошидаги кутубхоналарнинг мудирлари ҳам иштирок этди.

— Кутубхона — нурхонадир, — деди сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров. — Кимки унга келса, ўқиб-ўрганса, ушбу нурдан баҳраманд бўлади. Жадал ривожланаётган бугунги замонда, айниқса, биз кутубхоначилар янада кўпроқ ўрганиб, тараққиёт билан ҳамқадам юришимиз шарт деб ўйлайман.

Миллий кутубхона мудирларининг қизиқарли маърузалари тингланиб, АРМларни етук кадрлар билан таъминлаш, фондлар ташкил қилиш таклифлари ҳам ўртага ташланди. Барча иштирокчиларга Миллий кутубхона раҳбарияти томонидан 4 номдаги ўқув-услубий қўлланма тақдим этилди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида йилига 250 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга «Aziya silk» шўъба корхонаси ишга туширилиши 71 кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Ишчи-ходимларнинг асосий қисми — ёшлар.

Мазкур корхона давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони асосида «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» негизида ташкил этилди. Бу ерда тегишли таъмирлаш ишлари бажарилиб, замонавий ускуналар ўрнатилди.

Корхонанинг эллик нафардан зиёд ишчиси Хоразм вилоятидаги «Хоразм ипаги» масъулияти чекланган жамияти ва Наманган вилоятидаги «Golden silk» корхонасида замонавий дастгоҳларни бошқариш бўйича малака оширди. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш изчиллигини ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Суратда: *ишчи Дилноза Жуманиёзова.*

Арслон КАННАЗАРОВ
(ЎзА) олган сурат

Давра суҳбати

Халқ манфаати йўлида

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Сергели туманидаги 33 та маҳаллада давра суҳбатлари ташкил этилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, O“zLiDeP сиёсий кенгаши Ижроия қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси ҳамда туман ҳокимияти вакилларидан иборат гуруҳлар тадбир давомида аҳолининг таклиф-истакларини ўрганиб боришди.

Суҳбатлар аввалида Савдо-саноат палатаси масъул ходими Ж.Саъдиев тадбир модераторлари ва бошқа иштирокчилар учун тушунтириш берди. Шундан сўнг 10 гуруҳга бўлинган вакиллар аҳоли билан эркин мулоқот қилиб, муаммо ва ютуқларни таҳлил қилиш, истиқболли режаларни белгилашда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни аниқлаш имконига эга бўлишди. Ҳудудда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар ҳам суҳбатларга таклиф этилди.

«Қушқўрғон», «Обод» ва «Қумқўрғон» маҳаллаларидаги тадбирлар, айниқса, қизғин кечди. Давра суҳбатини туман статистика бўлими бошлиғи Зулайҳо Холметова олиб борди. Унда «Горрест траде» хусусий корхонаси раҳбари Гулбаҳор Маметова ва «Қушқўрғон сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Равшан Марҳаматов сўзга чиқиб, фаолиятга тўсқинлик қилаётган муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтишди. Мутахассислар томонидан мазкур масалалар ечими борасида маълумот берилди.

— Тадбир натижалари таҳлил этилиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш Дастурига таклифлар, тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан билдирилган фикр ва лойиҳалар умумлаштирилди, — дейди Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллиги вакили Шоира Шамшиева — Бу эса аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида соҳа ходимлари учун кенг имкониятлар яратишда қўл келиши, шубҳасиз.

Д. УСМОНОВА

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Маҳалланинг чевар қизлари

Марғилон шаҳридаги Тоғлиқ маҳалла фуқаролар йиғинида тикувчилик цехининг ташкил этилиши ўндан зиёд чевар хотин-қизга доимий иш жойига эга бўлиш имконини берди.

Тадбиркор Зулхумор Каримова раҳбарлик қилаётган мазкур цехда буюртма асосида аёллар ва болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Бу ерда, шунингдек, уста-шогирд йўналишида маҳалла қизларига тикувчилик сирлари ўргатилаётир.

Суратларда: маҳалла чеварлари Моҳигул Усмонова ва Феруза Умарқулова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

/// Юксак маънавият – енгилмас куч

Жиноят кўчасидаги аёл

Оила фариштаси, келажак авлод давомчиси — аёлнинг жиноят йўлига кириши жамият ҳаётидаги машъум иллатдир

Аёл — жамият гултожи, ҳаёт гўзаллигининг тимсоли. Дунёда аёл бор экан, энг гўзал ҳислар, энг инжу туйғулар мавжуд. Меҳр-муҳаббат, севги ва вафо, поклик ва ҳалоллик, ор-номус каби муқаддас тушунчалар, аввало, аёл қалбидан яралади. Донолардан бири айтганидек, токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша нимадир янги гап, яхши сўз айтиш мумкин.

Аёлга нисбатан неча юз йиллардан буён айтиб келинаётган бундай энг гўзал сўзлар тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилган XXI асрда ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Глобаллашув жараёни, ахборот-технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда ҳам аёллар жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллигини белгилашнинг мезонларидандир.

Аёллар туфайли яхши яшашга, бахтли ҳаёт кечиришга интиламиз. Бу мақсад учун курашиш инсоният яралгандан буён давом этиб келаётган ҳодисадир. Унга эришишда бошқаларнинг манфаатларига зиён етказмаслик, тинч ва осойишталикни таъминлаш учун барчамиз маълум қонун-қоидаларга амал қиламиз. Қонунни бузиш – бошқаларнинг манфаатига зиён етказиш, давлатга, жамиятга қарши ишдир. Шу боис ҳам бу «жиноят» деган совуқ ва машъум сўз билан ифодаланади.

Дунёда ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳар бир инсон турмуш тарзи, олдига қўйган мақсади, дунёқараши ва онгу тафаккури билан ўз йўлини танлайди. Айни шу жараёнда кимдир билиб-билмай, тасодифан, яна биров қасддан жиноят кўчасига киради. Ақли расо одам борки, бу йўлни қанчалик аянчли эканини яхши билади, тасаввур қилади. Чунки бу йўлнинг охири ўз эркини, озодлигини йўқотиш, ҳаётини заҳарлаш, жамиятдан узилишдир. Зотан, инсон учун озодлик ва эркинликдан кўра қадрлироқ неъмат йўқ.

«Жиноятчи» деган номни олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини тўла ифода этиш қийин. Чунки бу сўзни эшитибоқ, этимиз жимирлайди: «Худо сақласин», деймиз. Агар ана шу ном ҳаётимизда азиз ва муқаддас бўлган аёлга нисбатан айтилса-чи? Кўз ўнгимизда она, сингил, суюкли ёр бўлиб гавдаланадиган аёлни жиноятчи сифатида панжара ортида тасаввур қила оламизми?!

Бугун ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар билан эркаклар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик халқаро ҳужжатларга уйғун миллий қонунчилигимизда, аввало, Конституциямизда ўз аксини топган. Албатта, буларнинг барчаси нозик жинс вакилларининг камситилиши, ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Шу боис бугун йирик компаниялар ва корхоналарга раҳбарлик қилаётган, халқаро муносабатларда фаол иштирок этаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизнинг биринчи ордени — «Соғлом авлод учун» деб номланиши ҳам баркамол авлодни дунёга келтираётган аёлларга ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Аммо, афсус билан қайд этиш жоиз, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш борасидаги бундай эзгу ишларга қарамасдан, «аёл» деган муқаддас номга доғ туширишга, турли иллату жиноятлар ботқоғига ботаётганлар ҳам йўқ эмас.

...Икки нафар гулдай фарзанди эндигина балоғатга етай деганда Нафисани «шайтон йўлдан урди». Аввалига турмуш ўртоғининг ойлик маошига қаноат қилмай бозорга чиқди. Ҳар куни қўлидан жарақ-жарақ пул ўтиб ҳаволанди. Уйрўзғор, фарзандлар тарбиясига «вақти етмай» қолди. Аксинча, ҳали яхши-ёмонни фарқига бормайдиган болаларини ҳам пулга ўргатди. Нафси ҳакалак отди. Қўшни мамлакат фуқаросининг мўмай пул ишлаш ҳақидаги қинғир таклифига лаққа тушган Нафиса жиноятга қўл урди. Гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан озодликдан маҳрум этилди.

Албатта, у жиноятига яраша жазо олди, бироқ унинг оиласи-чи? Ҳалол ишлаб кун кечираётган турмуш ўртоғи жиноятчи аёл билан яшамайман, деб ажралиш учун ариза берди. Истаганича пул сарфлаб ўрганган қизи эса безориларга қўшилиб, иффатини йўқотди, бузуқлик кўчасига кирди. Мактабни эндигина битираётган ўғли гиёҳванд бўлиб қолди.

Биргина аёлнинг калта ўйлаши, иродаси сустлиги туфайли гулдай бир оила барбод бўлиб, фарзандлар азоб-уқубатларга учради. Хўш, бунга ким айбдор? Қамоқхонада ўтирган Нафиса шу ҳақда қайта-қайта ўйлар экан, буларнинг барчасига ўзимнинг ношукрлигим, нафсим сабаб, деган қарорга келди. Аммо энди кеч...

Мутахассисларнинг фикрича, аёллар содир этадиган жиноятлар асосан иқтисодий жиноятлар — ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳванд моддалар савдоси, фоҳишалик каби иллатлар билан боғлиқ. Нима учун айнан иқтисодий жиноятлар? Балки аёллар оиладаги моддий етишмовчиликни катта фожиа, деб билишар? Лекин жиноят содир этган аёлларни ҳаммасининг оиласида ҳам моддий етишмовчилик бор, деб бўлармикан. Кўп ҳолларда ортиқча зеб-зийнатга, молдунёга ҳирс қўйиш аёлларни жиноят йўлига бошламаётганмикан?! Халқимизнинг «Ойда еган тўқ, кунда еган суқ бўлур», деган мақоли ана шундай кимсаларга нисбатан айтилган бўлса ажаб эмас.

Кейинги пайтларда хотин-қизлар ўртасида «урф» бўлаётган аянчли иллат — ичкиликбозлик ҳам аёлларни жиноятга бошловчи асосий сабаблардан биридир. Албатта, бу алоҳида мавзу. Лекин бир шиша ичкиликка пул топган аёлнинг оиладаги етишмовчиликни баҳона қилиши қайси «қолипга» сиғади?! Ҳолбуки, ўша пул рўзғордаги битта камчиликни тўлдириши мумкин-ку.

Сабр-қаноат, ирода ва матонат, бағрикенглик азалдан халқимиз, айниқса аёлларимиз учун фазилат бўлиб келган. Етим-есирларнинг бошини силаб, ўз фарзандидек улғайтирган, рўзғордаги камчиликларни ошкор қилмасдан, боридан баракали фойдаланаётган аёлларимиз ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Халқимиз ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан машҳур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини сақлаб қолиш, фарзандларининг бахту саодати, иқболи учун ҳамма нарсага тайёр туриш ўзбек аёлига хос бетимсол фазилатлардан эмасми?! Ота-боболаримиз айниқса қиз боланинг тарбиясига энг нозик ва муҳим масала сифатида алоҳида эътибор қаратганлар. Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида «Фарзандларингизга бир хил муомалада бўлинглар, агар улардан бирортасини устун қўйиш керак бўлса, қизларингизга кўпроқ аҳамиятли бўлинг», дейилган.

Шунчалар эътибор ва эъзозга қарамасдан ор-номус, ҳаё, иффатдан воз кечиб, жиноят кўчасига кираётган аёлларнинг учраётгани афсусланарли. Бу нафақат бугунги кун, балки келажак авлод ҳаётига ҳам раҳна соладиган аянчли иллатлардан биридир.

Аёллар сақланаётган жазони ижро этиш муассасаларидан бирига бордик. Қамоқхонанинг залворли темир эшиклари очилиб, соқчилар назоратида бўлган аёллар истамайгина қадам ташлаб, ҳовлига чиқишди. Уларнинг ҳар бирида дунёларга сиғмас дард, армон, алам, тоғдек пушаймон бор. Дилларини соғинч, айрилиқ, афсус кемирмоқда. Улар берилган жазо муддати қачон тугаши ҳақида эмас, кўпроқ эртанги тақдирлари ҳақида ўйлаб эзиладилар. Шу ҳақда хаёл сурар экан, ўз-ўзидан ваҳимага тушади. «Қамалган» деган ном кўксиларини оловдек куйдиради.

— Мен исмимни айтишга ҳам уяламан, — дейди 28 ёшлардаги кўҳликкина жувон. — Чунки шу ерда ўтиришимнинг ўзи азиз ва муқаддас саналган она тимсолига, аёл номига бўлган хиёнатдир. Минг афсус, буни жуда кеч — шу ерга келганимдан кейингина англадим. Иродамнинг сустлиги, турмушдаги оддий муаммоларни «кўпиртириш»; ҳаётга, оилага енгил қараш мени шу кўйга солди...

«Эр кишининг ор-номуси ўлгунча ўзи ўлсин», деган гап бежиз пайдо бўлмаган. Бу гап хотин-қизларга ҳам бирдек тегишли. Шу маънода аёл кишининг жиноятга қўл уриши нафақат эрига, балки оиласига, ор-номусига қарши оғир жиноятдир. Улуғ алломаларимиздан бири таъкидлаганидек, «Қайси бир миллатни яксон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини — бўлажак оналарининг тарбиясини издан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини — бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг».

Миллат танламас, чегара билмас «оммавий маданият» бутун дунёга ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Миллатнинг эртасига, келажак авлод тақдирига чанг соладиган бундай ёвуз мақсадлар жамиятнинг энг нозик, айни пайтда энг муҳим нуқтасини заҳарлашга ҳаракат қилади. Миллий маънавиятимиз асоси бўлган оиладаги ижтимоий муҳитга, фарзандлар тарбиясига, эру-хотин ўртасига бузғунчилик уруғини «қадайди».

Хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром билан қараш, аёлни улуғлаш, эру-хотин ўртасидаги муносабатларда аждодларимиздан ўтиб келаётган анъаналар ҳар қандай ҳолатда энг тўғри ва оқилона иш тутишга ундайди. Бунга беписандлик билан қараган, «оммавий маданият» таъсирига тушган аёл охир-оқибатда жиноят кўчасига кириши ҳеч гап эмас.

Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилишга уриниши ҳам айни шу иллат туфайлидир. Манманлик ва худбинлик, фақат ўз қизиқиш доирасигагина боғланиб қолиш, иродасизлик туфайли келиб чиқаётган бу ҳодиса хотин-қизларимиз шаънига доғ тушираётган энг аянчли масалалардан биридир.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида қуйидагиларни таъкидлайди: «Ирода бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади».

Оилада, турмушда эр-хотин бир-бирига ана шундай ҳамроҳ бўлади. Турмушнинг аччиқ-чучугига чидамасдан оғир жиноятга қўл уриш – ўз жонига қасд қилиш нафақат калта ўйлаш, ҳаётга енгил-елпи қараш, айни пайтда иймон ва эътиқоднинг сустлиги натижасидир.

Ҳа, ўз жонига қасд қилиш ҳам жиноят, инсон ҳаётига қарши қаратилган оғир жиноят. Фақат бунда жиноятчи ҳам, жабрланувчи ҳам унинг ўзидир. Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламида шундай ҳадис бор: «Бир киши ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди, уни мен жаннатдан маҳрум қилдим!» — деди».

Ана шундай ишга қўл урган ва тақдир тақозоси билан тирик қолган Дилшода бундай дейди: ўша пайтда инсоннинг бу қилган иши кўз ўнгида шундай гавдаланадики, шу ондаёқ қанчалик оғир гуноҳга, кечириб бўлмас хатога йўл қўйганини тушуниб етади. Бу азиз ҳаёт, оилавий бахт бир сонияда қўлдан чиқиб кетаётгани кўз олдингда намоён бўлади. Аёл учун аслида оилавий бахт, фарзандларининг камолидан кўра улуғроқ неъмат йўқ...

Аёл деганда, кўз олдимизда аввалambор, азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта. Бугун жамиятизда ана шундай улуғ номга доғ тушираётган аянчли ҳолатлар барчамизни ҳушёр ва огоҳликка чорлаши табиий.

Жамиятимизда учраётган ҳар бир иллатга, жумладан, хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай муаммога қарши ҳамжиҳатликда курашиш — оиламизнинг, шу азиз Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун курашиш демакдир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

/// Ҳисобот

Истеъмолчилар ҳуқуқини кўзлаб

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши туфайли мамлакатимизда мазкур соҳадаги муносабатлар тартибга солинди.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари — қонун ҳимоясида» мавзуидаги матбуот анжумани самимий мулоқот руҳида ўтди. Унда Федерациянинг вилоят ва туманлардаги вакиллари, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирок этишди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раисининг ўринбосари А.Эргашев қилинган ишлар ва режалар хусусида ҳисобот берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Федерация тизимида 14 та ҳудудий бирлашма, 196 та туман (шаҳар) жамиятлари, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув муассасаларида 9 мингга яқин таянч гуруҳлари фаолият юритиб, аъзолар 330 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Сайёра ШОДИЕВА,
«Ishonch» мухбири

/// Газетхон муаммо кўтаради

«Шаҳарда ит боқиш мумкинми?»

Таҳририятимизга газетхонлардан «Шаҳарда ит боқиш мумкинми?» ёки «Турли уй ҳайвонлари ушлашнинг қонун-қоидаси қандай?» деган мазмунда мактублар келиб турибди. Биз ушбу саволга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасига мурожаат этдик.

Жавоб хатини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамлар ва ҳайвонлар ўртасида қутириш касаллигига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан аҳоли яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни сақлаш қуйидагича амалга оширилиши белгилаб берилган бўлиб, хусусан, кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида ён қўшниларнинг розилиги билан, коммунал квартирада эса ушбу квартирада яшовчиларнинг розилиги билан битта ит ва битта мушук сақлашга рухсат этилади.

Алоҳида уйларда ит сақлашга фақат боғланган ҳолда, аҳоли яшаш жойларида эркин сайр қилдиришга алоҳида ажратилган ва атрофи ўралган ҳудудларда йўл қўйилади.

— Итлар очиқ ерларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилиб, ушбу жой доимий равишда озода сақланиши керак.

— Ҳайвонлар болалар муассасаларининг зоологик бурчакларида Давлат санитария-эпидемиология ҳамда ветеринария хизматларининг рухсати билан сақланади.

Ит-мушук ва бошқа уй ҳайвонлари эгаларининг бурчлари:

— итларнинг ветеринария муассасаларида рўйхатдан ўтказилиши ва қайта рўйхатдан ўтказилишига;

— ит сотиб олинганда ёки янги яшаш жойларига кўчиб келган ҳолларда 7 кун мобайнида рўйхатдан ўтказилишига;

— уй ҳайвонлари аҳолининг умумфойдаланишдаги жойларини (зинапоя майдончаларини, кириш жойларини ва турар-жойлар атрофини) ифлос қилишига йўл қўймасликка;

— итларнинг турар жойлардан алоҳида ажратилган бинолар ва ҳудудлардан умумий ҳовлига ва кўчага фақат калта бўйинбоғларда (йирик ҳайвонларни тумшуқбоғларда), фуқароларнинг хавфсизлигини албатта таъминлаган ҳолда олиб чиқилишига;

— ҳайвонларни рўйхатдан ўтказишга оид хизматлар ҳақини белгиланган тартибда тўлашга мажбурдирлар.

Давлат органлари ва ҳудудий жамоатчилик, ўзини-ўзи бошқариш идораларининг бурчлари:

— шаҳар ва шаҳар кўринишидаги шаҳарчалардаги, уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш органлари, маҳалла қўмиталари, қишлоқ жойлардаги ветеринария хизмати, ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳалла, овул, шаҳарча органлари (фуқаролар йиғини) ушбу қоидаларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайдилар;

— шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларидаги турар-жой даҳаларида итларни сайр қилдириш учун ер майдонлари ажратадилар, шунингдек, аҳоли яшайдиган жойларни зарур санитария ҳолатида сақлаш ишларини олиб борадилар;

— ички ишлар органлари иштирокида мазкур қоидаларни бузувчиларга нисбатан жазо чоралари қўлланилишини таъминлайдилар;

— қоидани бузган фуқароларга нисбатан жарима солинади, қоида такроран бузилган тақдирда эса, агар ушбу қоидабузарлик жиноий жавобгарликка олиб келмаса, уларнинг ҳайвонлари олиб қўйилади.

У.НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи

/// Таассуф!

Оқ халат яширган доғлар

«Ўрганиб қолсанг бировнинг ошига, Кунда борарсан анинг қошига», деганларидек, пул, мол-дунё орттиришга ружу қўйган одам борган сари инсофимонини йўқотиб, ўз фойдаси йўлида ҳар қандай тубанликдан ҳам тоймайди. Бундай кимса эл соғлиғини сақлаш йўлида қасамёд қилган шифокор бўлса-чи?..

Моҳинур Иброҳимова 2002 йил бошидан Самарқанд шаҳар 3-туғруқ комплексининг гинекология бўлимида ишлаб келарди. 2010 йил 2 январида акушер-гинеколог вазифасига тайинланди-ю, ғараз ниятлар кўнглида ғимирлай бошлади. Унинг биринчи «мижоз»и туғруқ комплексига 37 ҳафталик ҳомиласи бор, «чандиқ бўйлаб бачадон ёрилиши бошланганлиги» ташхиси билан келтирилган тайлоқлик Хуршида Умарова бўлди. Ўтказилган жарроҳлик амалиёти бемор тугул, унинг қавм-қариндошларини ҳам жуда ташвишга солиб қўйган пайт. Операцияда бор-йўғи ассистент вазифасида иштирок этган Моҳинур Иброҳимова бўлса, дард устига чипқон бўлиб, операция эвазига мўмай пул орттириш тараддудига тушиб қолди. У беморнинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Ашуровдан товламачилик йўли билан 300 минг сўм талаб қилади. Ваҳоланки, Бахтиёр хотини учун керак дори-дармонларни ипидан игнасигача, совуну содагача дорихонадан келтириб берганди.

Тоқати тоқ бўлган Ашуровнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига бу ҳақда хабар беришдан ўзга чораси қолмади. Таъмагир М.Иброҳимова Б.Ашуровдан 300 минг сўм пулни санаб олаётган вақтда қўлга олинган. Шуни айтсалар керак-да, кўза кунда эмас, кунида синади деб!

* * *

Учқунжон Ибодов ҳам кўп йиллик ўқиш машаққатларини босиб ўтиб, эндигина Самарқанд вилоят наркология диспансерида бўлим мудири вазифасини вақтинча бажараётганди. Аммо унинг нафси обрўсига ҳам путур етказди.

У «сурункали алкоголизм» ташхиси билан стационар тартибда даволанаётган бемор Абдусалом Намозовнинг акаси Бахтиёр Намозовни ўз домига илинтирмоқчи бўлди. Укасининг батамом тузалиб кетиши учун 200 минг сўм келтириб беришни талаб қилади. Ўзи қазиган чуқурга ўзи тушган Учқунжон Ибодов диспансер ёнидаги ошхонада айтилган пулларни санаб олаётганда қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топилган Моҳинур Иброҳимова ҳамда Учқунжон Ибодов қилмишига яраша жиноий жазога тортилишди.

Алишер ЗОКИРОВ,
Самарқанд шаҳар прокурори

«POYTAXT AUKSION» ДУК ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д\р 10АН689 бўлган «Тико» — 7 850 000 сўмга; д\р 10ВА032 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 450 000 сўмга; «Дори-Дармон» давлат акциядорлик компаниясининг д\р 10АУ960 бўлган «Нексия» — 6 700 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармасининг автохўжалигининг д\р 01/433РРР бўлган «Супер Салон» — 7 850 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси автокорхонасининг д\р 10ТQ744 бўлган «УАЗ-33031» — 2 000 000 сўмга; «O'zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni Ishlar Boshqarmasining qurilish Birlashmasining Kichik Mexanizatsiya Boshqarmasi» балансидаги д\р 01/663ХАА бўлган «ГАЗ-31029» — 2 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Мукимий кўчаси 31-уйда жойлашган «BARAKA» кредит уюшмаси томонидан 2007 йил 24 сентябрда Маҳкамов Олим Зокирович номига берилган №000402 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 25-yanvar № 11 (2892)

Бу қор болаларга ҳам қувонч олиб келди!



Фозил МАМАШАРИПОВ фотолавҳаси

Журнални варақлаганда

Яқинда нашрдан чиққан «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2010 йил 4-сонидан Конституциямизнинг 18 йиллиги ва Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган қатор мақолалар ўрин эгаллаган.

Инсон шаъни — олий қадрият

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи билан бошланади. «Таҳрир ҳайъатидан» рукнида берилган «Тараққиётимизнинг ҳуқуқий негизи» сарлавҳали мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимизни ривожлантиришда тутган ҳуқуқий аҳамияти очиб берилган. Унда таъкидланганидек, «Теран тарихий илдизларимизни, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини халқимизнинг орзу ва интилишларини ўзининг ғоя ва мақсадларига сингдирган Бош қомусимизнинг ҳаётий негизи ғоят мустаҳкамдир. Конституциямиз халқимиз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий замин бўлиб келмоқда».

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоевнинг «Конституция — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори» мақоласида Асосий Қонунимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, судларнинг амалдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида алоҳида ўрин тутиши таҳлил қилиб берилган. Мазкур мақолада, жумладан, Конституциямизнинг ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлангани, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши атрофлича ёритилган.

Тошкент ислом университети қошидаги академик лицейнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Ботиржон Қосимовнинг «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари» мақоласида ҳам Бош қомусимизнинг афзалликлари ҳақида сўз юритилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг «Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш: натижалар ва истиқболлар» мақоласида 2010 йил сентабр ойида бўлиб ўтган БМТ Бош ассамблеясининг саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисда кўтарилган масалалар, Ўзбекистоннинг турли соҳаларда эришган ютуқлари кенг шарҳланади.

«Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик декларацияси доирасида ўз Миллий Мингйиллик ривожланиш мақсадлари саккизта режасини белгилаб олган, — дейилади, мақолада. — Мамлакатимизда улар ижросини изчил ва тизимли таъминлаш, шу жумладан Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий асосларини яратишга биринчи даражали эътибор берилмоқда. Хусусан, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини ҳуқуқий таъминлашни кўзлаб саккиз йўналишда 500 дан ортиқ қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, парламент томонидан 100 дан ортиқ халқаро шартномалар, шу жумладан БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид олтита ҳужжати ратификация қилинди. Зеро, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини мустаҳкам қонуний ва ташкилий-ҳуқуқий асосларсиз бажариб бўлмайди».

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Оюн Дендевноровнинг «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: миллий устуворликларга мослашиш», Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти бош илмий ходими Марс Мамаюсуповнинг «Инсоннинг экологик ҳуқуқлари» мақолалари ҳам шу мавзуга бағишланган.

Журналдан, шунингдек, долзарб мавзулардаги бошқа материаллар ҳам жой олган. Тарих фанлари номзоди, доцент Фатхулла Эргашевнинг «Туркистондаги «халқ судлари» мақоласида эса Россия мустамлакаси даврида юртимизда маҳаллий аҳолига нисбатан амалга оширилган ҳуқуқий зўравонлик тарихий далиллар асосида исботланган. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси Мусфира Мунаввароннинг «Миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизлари» мақоласида кўҳна туркий асарларда акс эттирилган ватанпарварлик, эрксеварлик каби муқаддас туйғулар қаламга олинган.

Бир сўз билан айтганда, илмий-маърифий журналнинг мазкур сони ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги долзарб масалаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўргазма

Ҳаётда ким биландир фахрланиб яшаш яхши, уларнинг изидан бориш ундан-да яхши. Фахрланишга арзийдиган инсон бўлиш эса барчасидан аъло! Юртимизда нафақат ёшлар, балки катталар ҳам фахр билан тилга оладиган инсонларни санаб саноғига етолмаслигимиз аниқ. Бунга «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ва Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси билан ҳамкорликда 35 ёшгача бўлган фоторассомлар ўртасида ўтказилган танловнинг очилишида иштирок этганлар гувоҳи бўлишди.

«Сиз билан фахрланаман»

Бугунги кун ёшларига ўрнак бўла олувчи машҳур инсонлар ва турли соҳа вакиллари образини кўрсатиб бериш танловнинг асосий мақсади бўлиб, тақдим этилган ишларни баҳолашда профессионал ижодий ечим, бадиий қиймат ва мукаммал образни ёритишга эътибор қаратилди.

Танловда асосан ёшлар, малакали фоторассомлар, миллий ва халқаро танлов иштирокчилари ҳамда ғолиблари ҳисобланган Мадина Арипова, Павел Ким, Элзара Музаффарова, Ҳасан Пайдоев, Арслон Арслонов, Жасур Жумаев, Элман Ибрагимов, шунингдек, Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги фотосанъат мактаби тингловчи ва битирувчилари Динара Баҳодирова, Александр Жудро, Тимур Маматхўжаев иштирок этишди.

«Сиз билан фахрланаман» кўргазма танлови доирасида 35 ёшдан юқори бўлган машҳур фоторассомларнинг ишлари намойиш қилинганлиги ҳам меҳмонларда катта таассурот уйғотди.

Шунингдек, пойтахтимизда бўлиб ўтаётган мазкур фотокўргазмада илк бор Саудия Арабистони Қироллиги фотомактаби вакиллари, «Qatif Photograpy Group» жамияти аъзолари ҳам ўз асарлари билан қатнашишди.

Кўргазма мавзусига мувофиқ фотосуратлар асосан портрет жанрида тақдим этилган. Яъни, ёшларимиз ўз устозлари, шоубизнес ва кино юлдузлари, рассомлар, қишлоқ меҳнаткашлари, шунингдек, ёш бўлишига қарамай, ҳаётда ўз ўрнини топган замондошлари билан фахрланишини асарларида кўрсатиб беришган. Меҳмонлар танлов ва кўргазма бундан буён ҳар йили ўтказиладиган «Сиз билан фахрланаман» кўргазмасининг дебочаси бўлиб қолишига ишонч билдиришди. Эслатиб ўтамиз, мазкур фотокўргазма шу йилнинг 30 январигача давом этади. Гўзаллик ва ҳайрат дунёсида сизни кутиб қоламиз!

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

Энди «Playstation 3»

Огоҳлик

Бугун компютерсиз ҳеч биримизнинг ишимиз битмайди. У инсон ҳаётидаги кўпгина қулайликларга замин яратди. Илк компютерлар фақатгина арифметик амалларни бажарган бўлса, эндиликда имконият кенгайиб бормоқда. Чексиз ахборот манбаи — интернет тизими, мултимедиа хизматлари ва албатта, ўйинлар... Айнан компютер ўйинларининг инсон онгига салбий таъсири барчани ташвишга солаётган муаммодир.

Бу ҳақда қанчалик кўп гапирилмасин, уларга боғланиб қолиш ҳолати шунча кўп кузатилмоқда. Интернет клубларининг аксарият мижозлари ўйинга муккасидан кетган мактаб ўқувчиларидир. Ўйин турининг кундан-кунга кўпаяётгани ҳам ишқибозларни монитор қаршисига михлаб қўймоқда. Ўқув йили давомида интернет клубларга чопган болалар таътил вақтини ҳам компютерхоналарда ўтказаётганига нима дейсиз?

Сиз ҳам ишингиз тушиб, интернет-кафега кирган бўлсангиз керак. У ерда ҳатто боғча ёшидаги болаларни ҳам учратишингиз мумкин. Бир компютер атрофига йиғилиб олиб, шовқин кўтараётган, ҳаяжонга берилиб бақираётган болалар бошқа фойдаланувчиларга халал беради. Лекин ҳеч ким бир оғиз танбеҳ бермайди...

Ўйин жойлаштирилган сайтларнинг ҳам саноғи йўқ. Ривожланган давлатларда компютер ўйинларига боғланиб қолиш касалликка айланиб улгургани барчамизга маълум. «uzinforum.uz» сайти маълумотига кўра, Хитой пойтахти Пекин шаҳрида шу каби беморларни даволашга мўлжалланган касалхона мавжуд бўлиб, у 2006 йилда фаолият бошлаган. Беморлар турли дори-дармон ва спорт машғулотлари ёрдамида даволанади.

Касалхона ишга тушган йилнинг ўзида 400 мижозни қабул қилган эди. Уларнинг кўпчилиги мактаб ва коллежларда таҳсил олади. Шифохона директори Тао Раннинг таъкидлашича, беморларнинг 85 фоизини интернет ўйинларига руҳан боғланган ёшлар ташкил этар экан. Беморларда уйқусизлик, қўркув аломатлари кузатилади. Уларнинг кўпчилигида битта ўхшашлик мавжуд — оилада ягона фарзанд. Бу каби ҳолатлар баъзида фожеавий якун топиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Жумладан, компютер ўйинлари Жанубий Кореянинг 28 ёшли фуқароси Лининг умрига зомин бўлган. У интернет-кафеда 60 соат давомида узлуксиз ўйин ўйнаб, очлиқдан вафот этган.

Бизнинг юртимизда ҳозирча бундай кўнгилсизлик содир бўлгани йўқ, шунисига ҳам шукур. Бироқ... Ўсмирларда компютер ўйинларига бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда. Қолаверса, интернет клубларида «Playstation 3» («Ўйин бекати») — ўйин дастгоҳлари хизмати ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Компютер қаршисига ўтиришга ошиқаётган болалар энди ушбу қурилма томон шошмоқда. Бу ўйин дастурлари Японияда 1994 йилда «SONY» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Унинг 2-авлоди 2000 йилда омма эътиборига ҳавола этилган бўлса, такомиллашган кўриниши 2005 йилда ишлаб чиқилди. Мазкур «Playstation 3» ўйин-дастгоҳлари орқали ўйин ўйнаш, филмларни томоша қилиш, мусиқа тинглаш, интернет орқали веб-саҳифаларни очиш, электрон почта орқали хат жўнатиш мумкин. Аммо унинг бугунги кундаги асосий вазифаси турли жанрдаги (асосан, жангари) ўйинлар воситасида фойдаланувчи эҳтиёжини қондириш. Энг машҳур компютер ўйинларини, хусусан, «Counter Strike», «War Cratf», «Need for Speed» кабиларни ушбу дастгоҳда бемалол ўйнаш мумкин. Эндиликда деярли барча интернет клубларининг пештоқида «Playstation 3» деган ёзувни учратишимиз мумкин. Бу ёзув клубга ташриф буюрувчилар сонининг янада ошишини таъминламоқда, десак адашмаймиз.

Энди ўйинларга сарфланаётган пуллар ҳақида. Масалан, «PS3» хизмати интернетдан фойдаланиш ёки компютерда ўйин ўйнашдан кўра қимматроқ. Компютерда ўйин ўйнашнинг 1 соати 500 сўм, интернет хизматидан фойдаланишнинг соати эса 700 сўм турса, «PS3» да ўйин ўйнаш 2500дан 4000 сўмгача баҳоланади. Мактаб ўқувчилари учун бу пул оз эмас. Бу ёшдаги болалар эса ҳар доим ҳам ўзлари сарф этаётган пулнинг қадрига етавермайди.

Демакки, фарзандларининг бу каби ўйинларга берилиб кетмаслиги учун меъёрни таъминлаш ҳам ота-оналар қўлида. Ҳар ёмонликнинг олдини олган маъқул.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To`lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -20.30

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2345